



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 24 май, шанба

№42 (11.533)

Эркин нарҳда сотилади

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни – ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни, бутун кўпмиллатли жамоани корхона ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Авиация саноати давлатнинг илмий ва техникавий имкониятларини, унинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлигини белгилаб берадиган асосий тармоқлардан биридир.

Ўзбекистон саноатининг байроқдори бўлмиш сизларнинг бирлашмангиз ўзининг бой меҳнат анъаналари, ноёб ишлаб чиқариш базаси, гоёт катта интеллектуал салоҳияти билан ушбу жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳаётимнинг энг яхши йиллари ўтган ушбу корхонада юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган қанотли машиналар деярли барча қитъалар узра парвоз қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг шон-шухратини тобора юксалтирмоқда.

Бирлашманинг Ильошин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Антонов номидаги тажриба-конструкторлик бюроси каби етакчи конструкторлик ташкилотлари билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги турли хил ҳаво кемаларининг бутун бир туркумини ўзлаштириш имконини берди. Бугунги кунда замонавий, тубдан янгиланган ИЛ-76 транспорт самолётларининг кўплаб ишлаб чиқарилаётгани, ўртача масофаларга учуви, йўловчи ташийдиган, янги авлодга мансуб ИЛ-114 ҳаво лайнерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани – бутун бирлашма жамоасининг сабот-матонат ва қунт билан қилган меҳнати натижасидир.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, барча меҳмонларимизга – Россия Федерациясининг намояндалари ҳамда улар орқали коопера-

ция асосида ҳамкорлик қилувчи корхона ва ташкилотларнинг жамоаларига, Ильошин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Миль номидаги конструкторлик бюроси ва заводи вакилларига, Давлатлараро авиация кўмитаси ва Россия қуроли кучларининг вакилларига, бир сўз билан айтганда, бугунги муваффақиятларга эришишда бирлашмани кўллаб-қувватлаган ва унга ёрдам берганларнинг барчасига алоҳида миннатдорлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман.

Бундай муваффақиятларга иқтисодиётнинг бозор моделига ўтишдек мураккаб шароитларда эришилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Шу йиллар мобайнида бирлашмада ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш борасида тажриба тўпланди, жаҳон авиация техникаси бозорида қизғин иш олиб борилди. Бирлашма томонидан бутун дунёга машҳур "Боинг" компанияси билан ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилгани, жаҳон авиасозлик саноатининг илғор вакиллари бўлган "Прайт энд Уитни", "Коллинз", "Эллайд Сигнал" фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари боғланганини таъкидлаш лозим.

Ишончим комилки, бирлашма меҳнат жамоаси бундан буён ҳам жаҳон авиасозлиги билан фаол интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этиб, ўз бурчига садоқат ва чинакам ватанпарварлик фазилатларини намоён этаверади.

Азиз дўстлар, ҳаммангизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик, ишда янгидан-янги муваффақиятлар, оилангизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ НАМАНГАНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғона водийсига сафарининг иккинчи кuni – 23 майда Наманган вилоятига ташириф буюрди.

Наманган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, хусусан, пахтачилик ва галлачилик соҳасида мамлакатимизда ўз ўрнига эга вилоят. Бу йил вилоятда 94 минг гектар майдонга чигит, 78 минг гектар ерга галла экилган. Бу йилги ёгингарчиликнинг меъеридан анча ортқ бўлгани туфайли вилоятда гўза ривож ўтган йилгига нисбатан бир мунча кечикмоқда.

Ислом Каримов Уйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги далаларини айланар экан, туман ва хўжалик раҳбарлари, деҳқонлар билан зарур агротехник тадбирлар орқали гўза ривождаги бундай кечикишни бартараф этиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашди. Президентимиз фермерлар, ширкат аъзолари ва пудратчиларнинг даромадлари, турмуш шароити билан қизиқди.

Юртбошимиз хўжаликнинг бошқаб турган галлазорларини кўздан кечириш асносида миришкорларнинг ҳосилига баража тилади.

Шундан кейин мамлакатимиз раҳбари "NESTLE" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасига ташириф буюрди.

Мазкур корхона ойига 1 миллиард сўмликдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Юртбошимиз табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар озиқаси каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланадиган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди. Ислом Каримов корхона мутасаддилари ва мутахассислар билан мулоқоти чоғида қўшма корхона истикболлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Президентимиз Наманган шаҳрининг Амир Темури кўчасида – 14 гектарлик майдонда бунёд этилаётган "Ёшлар спорт мажмуи" қурилиши билан танишди. Мажмуа таркибида амфитеатр, сунъий кўл, аквапарк, спортнинг ўндан ортқ тури бўйича клублар барпо этилиши мўлжалланмоқда. Давлатимиз раҳбари бу улкан дам олиш мажмуи келгусида вилоят аҳли учун муносиб истироҳат ҳамда спорт масканига айланиши учун қандай ишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ўз тақлифларини билдирди.

Юртбошимиз Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бўлиб, бу ерда барпо этилаётган объектлардаги ишларни тезлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Сержантлар армиясининг асосий суянчи ва таянчидир, – деди Ислом Каримов. – Бундай мактабларда таҳсил олгач, сержантларимизнинг нафақат ҳарбий маҳорати юксалади, аини пайтда улар ҳарбий хизматни жон-дилидан севадиган, Ватанга хизмат қилишни кадрлайдиган инсонлар бўлиб вояга етади.

Мамлакатимиз раҳбари шаҳардаги "Паҳлавон" спорт мажмуини ҳам кўздан кечирди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйлаб сафари ниҳоясига етди.

Ғулам МИРЗО,
Илҳом РАЗЗОҚОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

Сўнги кўнғироқ

Ҳар бир миллат навқирон авлодида ўз истиқболини кўради. Шу боис у ўғил-қизларининг тарбияси, улар имон-эътиқодли, меҳнаткаш, билимдон, ватанпарвар – баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун жону жаҳонини аямайди.

СИЗ ЭРТАНГИ ҲАЁТ ЭГАСИ



Бу хислат Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ниҳоятда ёрқин намоён бўлмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бунинг яққол далилидир. Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бугунги кунда 896 та мактаб фаолият кўрсатаётир. Кейинги йилларда уларнинг қаторига ўнлаб мутлақо янги, замонавий лойиҳалар асосида қурилган бинолар қўшилди.

(Давоми 3-бетда).

«Умид ниҳоллари – 2003»



МЕЗБОНЛИК НАВЪАТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА

Мактаб ўқувчилари ўртасида Хоразм вилояти ўйингоҳларида бўлиб ўтган анъанавий «Умид ниҳоллари – 2003» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Вилоятимиз вакиллари спортнинг стол тенниси, шохмат ва енгил атлетика турлари бўйича яхши натижаларга эришдилар.

Кеча вилоят ҳокимлигида спорт ўйинларининг республика босқичида юксак маҳорат кўрсатиб, ғолиблик медаллари-

ди. У совриндорларни эришган ютуқлари билан самимий табриклар экан, кейинги йилда «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари вилоятимизда бўлиб ўтиши муносабати билан уларга юксак натижаларга эришишда муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, тантанавий қабул маросимида Халқ таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими спортчи-ўқувчиларнинг келгуси йилда вилоятимиз ўйингоҳларида бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари – 2004» ўйинларига ҳар томонлама пухта тайёрлашга ҳозирдан жиддий кири-

шишлари зарурлиги таъкидланди.

«Умид ниҳоллари – 2003» мусобақалари якунлари билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз.

СУРАТДА: вилоятимизнинг совриндор вакиллари.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жанговар тайёргарлик самарадорлиги ва қўшинларнинг жанговар шайлигини, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг:

лавозим маошларини – икки баравар;

ҳарбий хизматдан бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдорини – энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараварига ёки 20 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлигининг "Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари" махсус ҳисоб рақамига тушаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2003 йилда "Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари" махсус ҳисоб рақамидан муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш,

қўшилмалар ва қисмларни спорт инвентарлари ҳамда тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2,0 млрд. сўм йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорда қўшимча имтиёз берилсин. Мазкур имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирда берилди.

Белгилаб қўйилсинки, мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳарбий қисмларнинг тавсияномалари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматчиларга қўшилмалар командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳарбий хизматчини тавсифловчи маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан берилди.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар

берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мудофаа вазирлиги (Қ.Фуломов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Фуломов) билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга ўқишга киришда ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган имтиёзлар бериладиган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасалари рўйхатини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитасида контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар ва сержантлар таркиби энг аввало:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган; сафарбарлик чақируви резервидаги хизматда бўлган ва Махсус ҳисоб рақамига пул бадалини тўлиқ миқдорда тўлаган, бир ойлик ҳарбий йиғинларда қатнашган ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка турдош мутахассисликка эга бўлган шахслар ҳисобидан тўлдирилади.

6. Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф тайёрласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 май.

ЧИНОЗ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 22 май куни Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди.

Ўткир Абдурахимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Илгари Янгийўл тумани ҳокими бўлиб ишлаб келган Йўлдошбой Тожибоев Чиноз тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов сўзга чиқди.

Тошкентда "Орол денгизи хавзаси, ер ости ва ер ўсти сувларидан оқилона фойдаланиш" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Унда Россия, Озарбайжон ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари вакиллари иштирок этди.

СУВ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Сув захираларини ер ости ва ер ўсти сувлари ташкил этади. Бу сув тармоқлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ер ўсти сувларининг ифлосланиши ёки камайиши бевосита ёки билвосита ер ости сувларига ҳам таъсир этади. Шунинг учун сув захираларини исроф бўлишидан сақлаш фақат бир мамлакатнинг муаммоси ҳисобланмайди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам шундай. Аҳоли истеъмол қилаётган тоза сувларнинг 70 фоизи ер ости сувларига тўғри келсада, юзадаги сув тармоқлари бошқа мамлакатлардан кириб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ташқаридан кириб келадиган сувларнинг тозаланиши назорат қилишнинг ўзи Орол денгизи

хавзасидаги сув масаласини ҳал этолмайди. Орол хавзаси таркибига денгизга бориб қуйиладиган ҳар икки дарё ораллигидаги барча худуд кирилади. Бу худуддаги тоза ичимлик сув миқдори эса борган сари камайиб бормоқда. Бунга минтақадаги аҳоли сонининг ортиши, кўп сув талаб қиладиган саноат ва кишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши, айниқса сувнинг ортиқча исрофгарчилиги сабаб бўлмоқда.

Халқаро анжуманда минтақа давлатлари ва айрим Европа мамлакатларидан келган мутахассислар сувнинг экологик тозаланиши сақлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш масалаларида ўзаро фикр алмашишди.

"Туркистон-пресс".

Вилоят ҳокимлигида

«БОЛАЛАР ЁЗИ — 2003»

Вилоят ҳокимлигида 2002 йилда болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш якунлари ҳамда 2003 йил ёз мавсумига тайёргарлик ва уни ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда туман ва шаҳар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими бошқармалари ва вилоят касаба уюшмалари кенгашининг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Вилоятимиз оромгоҳларида бу ёз 19535 нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Оролбўйи минтақасидан 1500 нафар болани вилоятимизнинг ҳўшхаво оромгоҳларида дам олдириш ҳам режадан ўрин олган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бу йил буларнинг барчаси учун ижтимоий суғурта маблағларидан 1 миллиард 250 миллион сўм сарфланиши керак. Йиғилишда бо-

лаларни соғломлаштириш учун керакли бўлган маҳсулотлар фақатгина «Матлуботсавдо» ва «Вилоятсавдо» ҳиссадорлик компаниялари орқали сотиб олинishi таъкидланди.

Оромгоҳларда дам олувчиларнинг соғлиқларини доимий назорат қилиш учун вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти вилоят бошқарувига муҳим вазифалар юклатилди. Шунингдек, мажлисда оромгоҳларнинг санитария ва эпидемиология ҳолатини яхшилаш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Тадбир

КУН ТАРТИБИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Куйичирчиқ туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Чиноз, Куйичирчиқ, Окқўрғон туманларида маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Унда туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Куйичирчиқ туман прокурори Обид Ҳамроев ва бошқа маърузачилар аҳоли истиқомат жойларида маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот беришди. Йиғилишда Чиноз ва Окқўрғон туманида нотинч оилаларга маҳалла фаоллари ва побонлари, тарбиячи педагоглар етарли аҳамият бермаганликлари учун бир қатор салбий ҳолатлар рўй берганлиги таъкидланди.

Йиғилишда тегишли вазифалар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Паркент туманида «Бевосита мулоқот» тадбирини ўтказиш аъянага айланиб бормоқда.

Саноат корхоналари, ташкилотлар, ҳўжаликлар ва муассасаларда уюштирилаётган бундай учрашувларда туман ҳокимлиги ва бошқа раҳбар идоралар вакиллари меҳнат жамоалари ҳузурига ташриф буюриб, бу ердаги аҳвол билан чуқур танишмоқдалар, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишяпти, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан биргаликда чора-тадбирлар белгилашяпти.

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси 12- ва 13-умум-таълим мактабларида бўлиб ўтди, унда тумандаги бошқа билим ўчоқларидан ҳам вакиллар қатнашишди. Ҳокимлик вакиллари, кишлоқ фуқаролар йи-

гинлари раислари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, имомхатиблар таълим-тарбия ишларини яхшилаш, вояга етмаганлар ўртасида турли нопок йўлларга киришининг, жиноятчилик ва гиёҳвандлик ҳолатларининг олдини олиш ва бошқа шу каби мавзуларда суҳбатлар ўтказишди.

Учрашувда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича саволларга жавоб олдилар. Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий, соғлом ва баркамол тарбия топишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ.

СИЗ ЭРТАНГИ ҲАЁТ ЭГАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Барча мактабларда ташхис бўлимлари ёки марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар биринчи синфларга ўқувчиларни текшириб қабул қилишдан бошлаб, 9-синфларни битириб чиқаётган ўғил-қизларимизнинг интилишлари, иқтидорларига кўра, келгуси тақдирларини ҳал қилмоқдалар. Ота-оналар, ўқувчилар билан суҳбатлашувлар асосида бу катлам ёшлар академик лицейлар, касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш учун йўлланаётди.

Бугун — мактабларда алоҳида ҳаяжонли байрам: сўнгги кўнғироқ! Унга ҳар бир ўқувчи ва устоз алоҳида тайёрланмоқда. Ўқув йилини 532 минг 679 ўқувчи якунлапти. Улардан 18 мингга яқин йигит-қиз 11-синфларни битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олаётди.

Бу йилнинг ўзига хос муҳим жиҳати — 229 та тўққиз йиллик таянч мактаби ва 637 та ўрта умумтаълим мактабининг 9-синфларини 53 минг 847 ўқувчи битирапти. Уларнинг бир қисми академик лицейларда ёки 10-синфларда ўқишни давом эттиради.

Бугун жамики мактабларда байрам. Мактаб ҳовлиларини тўлдириб, ўн бир йил таълим-тарбия берган устозлар, кадрдон бу даргоҳ билан хайрлашаётган йигит-қизларнинг қалбларида ўзгача ҳаяжон. Бу ёшлар биладиларки, уларни Ватан кутмоқда.

Ҳозирча эса — сўнгги кўнғироқ! Ана, мактабни битириб чиқаётган йигит биринчи синфнинг аълочи ўқувчисини елкасида кўтариб, ўқувчилар сафини айланиб чиқапти. Кўнғироқ дилларни орзиқтириб, ҳаяжонга тўлдириб, бу ўқув йилида сўнгги бор жарангламоқда!

Жўрабек МУРОДОВ.

«Умид ниҳоллари-2003»

МЕЗБОНЛИК НАВБАТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА

Мамлакатимизда ўтказилаётган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ёшларимизнинг соғлом, иродали, жасур бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда.

Ушбу тизимнинг илк босқичи саналмиш республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Хоразм вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2003» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Шиддатли тусда кечган мусобақаларда республикамизнинг 12 вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари иштирок этди. Улар бир йил давомида қуриб, фойдаланишга топширилган, нуфузли мусобақалар учун зарур шарт-шароитлар яратилган Урганч шаҳридаги «Хоразм» спорт мажмуи, «Олимпия захиралари» спорт коллежи, бадий гимнастика маркази, Урганч Давлат университети, қурилиш коллежи, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси спорт мажмуалари, жами 17 ўйингоҳда 12 тур бўйича 80 га яқин соврин учун кураш олиб бордилар.

Бир ҳафта давом этган мусобақалар якунланиб, ғолиблар аниқланди. Катта эътибор ва дид билан безатилган «Хоразм» марказий спорт мажмуига 25 мингга яқин киши тўпланди. Мусиқа садолари остида майдонга мусобақа иштирокчилари кириб келишди. Спорт ишқибозлари дастлаб брон-

за медаллари соҳибларини, кейин кумуш ва ниҳоят олтин медаллар соҳибларини олқишлар билан кутиб олишди. Финалга жиддий тайёргарлик билан келган, спортнинг ўн икки тури бўйича юксак маҳорат кўрсатган пойтахтлик ўқувчилар ўтган йили Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» ўйинларида эришган ютуқларини бу йил ҳам такрорладилар. Улар 175 очко жамғариб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлишди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини «Матиз» автомашинаси ҳамда



Шундай қилиб, бу йил иккинчи бор ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Мактаб ўқувчиларининг навбатдаги ушбу мусобақалари келгуси йили Тошкент вилояти ўйингоҳларида ўтказилади.

Хуршида НАЗАРОВА,

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Еркебой БОТИРОВ олган

суратлар.

Бу йил чигитни мақбул муддатларда экиб олишнинг имкони бўлмади. Сурункали кучли ёмғирлар ишни орқага сўриб юборди. Аммо «об-ҳаво инжиқликлари» баҳонасида тушкунликка берилиш, сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас эди.

Чунки, пахта бутун республикада бўлганидек, вилоятимиз эски қишлоқ хўжалигида ҳам асосий экин ҳисобланади. 2003 йил учун белгиланган режани сўзсиз бажариш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий масала ҳамдир. Шу боис вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, барча куч ва имкониятлар тўла ишга солинди ва режаланган майдонларнинг ҳаммасига жуда қисқа муддатларда, тўлиқ чигит экиб олишга эришилди.

Тўғри, бошида режадаги майдонга чигит экишни истамай, оёқ тираб олган фермерлар ҳам бўлди. Биз аслида Чиноз туманига шу масала юзасидан борган эдик. Негаки, кейинги пайтларда айнан чинозлик фермерлар асосий экинлар майдонини камайтириб, мўмай даромад келтирадиган экинларга ружу қўйганликлари ҳақида таҳририятга кўплаб хабарлар кела бошлаган эди. Қонунга ҳилоф бундай хатти-ҳаракатга йўл қўйиб бўлмасди. Маълумки, давлат буюртмаси ҳозирча сақланиб турган фақат икки турдаги маҳсулот, яъни пахта ва галла юзасидан шартнома тузилади. У эса қонуний кучга эга. Шундай экан, унга оғишмай амал қилиниши шарт.

Аммо биз тумандаги бир қатор фермерларнинг далаларини айланганимизда дилимиз ёришди. Улар шартномада белгиланган майдонларнинг ҳаммасига тўлиқ чигит экиб, текис ундириб олишибди. «Биз чигит экиш бошланган дастлабки кунлардаги хатоимизни тушундик, — дейишди фермерлар. — Бу йилги вазият шартнома режасини сўзсиз бажариш учун бор куч ва имкониятларни ишга солиб астойдил меҳнат қилишни тақозо этаяпти. Бунинг тўғри англаб, хатоимизни вақтида тузатдик. Белгиланган майдонларнинг ҳам-

масига чигитни қисқа муддатда экиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилдик. Мана, кўриб турганингиздек, ҳамма майдонларимизда кўчатлар бут. Ишловни бўшаширмаймиз».

Дарҳақиқат, айни кунларда беистисно барча хўжаликларда гўза парваришига зўр берилмоқда. Ҳозир ким билан суҳбатлашманг, у фермерми, ижарачими, пудратчиси, чигит эккан деҳқон борки, қайта-қайта культивация ўтказиш, чопиқ ва яғанани тезроқ якунлаш

акциядорлик жамиятининг хатти-ҳаракатидан норози. Чунки, бу корхонада фермерлар топширган пахталарининг ҳақини йиллаб тўламаслик одат тусига кирган. Вакилликдаги хўжатларни кўздан кечириш жараёнида маълум бўлдики, айрим фермерлар, ҳатто, 2001 йилда топширган пахталари пулини ҳанузгача тўлиқ оломай, овораю сарсон бўлиб



ФЕРМЕРЛАР ХАТОЛАРИНИ ТУШУНИШДИ

Аммо, уларнинг айримлари ҳалол пешона тери билан етиштириб, сотган пахталари пулини йиллаб ололмаётганликларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди

ҳаракатида. Чунки, ҳар йилгидан кечроқ экилган гўзанинг жадал ривожланиши учун ана шу муҳим агротехник тадбирлар тез ва сифатли ўтказилиши, керагича ўғит берилиши, айниқса, ёш ниҳолларга иложи борича кўпроқ ҳаво етказиб бериш, тобида қиздириш зарур. Бунинг учун хўжаликларнинг имкониятлари кенгрок. Аммо фермерларнинг банкдаги ҳисоб рақамларида етарли маблағлари бўлмаса, бу зарур юмушларни вақтида ва маромига етказиб бажара олмайдилар.

Биз деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилликда бўлганимизда айнан шу муаммонинг устидан чиқдик. Бу ерга мурожаат билан келган фермерлар «Чиноз пахта тозалаш корхонаси» очиб

юрибдилар. Қарангки, ҳисоб рақамида пули йўқ баъзи фермерларнинг қарзни ундириб бериш ҳақида тўғридан-тўғри хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши учун давлат божини тўлашга ҳам қурбилари етмаган. Хўжатлардан маълум бўлишича, ноилоҳ қолган ана шундай фермерлардан 6 нафари вилоят прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Жумладан, «Турсуной ая» фермер хўжалиги 2001 йил 1 майда «Чиноз пахта тозалаш корхонаси»га 22 тонна пахта топшириш юзасидан 152 рақамли шартнома тузган. Корхона эса шартномадаги ўзига тегишли шартларни тўлиқ бажармай, фермер топширган хомашё қиймати, яъни 320700 сўм пулни шу пайтга-

ча тўламай келмоқда. Фақат бугина эмас. Ўзаро тузилган шартноманинг «3.1» бандига мувофиқ тўланмаган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима ва муддати ўтган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдоридан пеня ҳисоблаб ёзилиши керак. Умумий ҳисобда «Турсуной ая» фермер хўжалиги 508 630 сўм ҳақидан маҳрум бўлиб туриб-

қўйиб, муаммолар кетидан елиб-югуришга мажбур бўлмоқдалар. Чунки, ҳисоб рақамида пули йўқ фермер ўғит, ёнилғи ва бошқа зарур воситаларни нафақат вақтида, балки умуман ололмайдди. Бу воситаларсиз эса, мўл ва сифатли ҳосил ҳақида гап бўлиши мумкин ҳам эмас. «Чиноз пахта тозалаш корхонаси» раҳбарлари нахотки, бунинг тушунмасалар? Аслида ким кимга хизмат қилиши керак? Маҳсулот етиштирувчи уни буюртма қилган ташкилотгами ёки аксинчам? Пахта заводлари фермерларнинг мўл ва сифатли хомашё етиштиришларидан биринчи навбатда манфаатдор бўлишлари, шу боис, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, рағбатлантиришлари лозим эмасми? Бунинг ўрнига уларни сарсон қилишларидан мақсад нима? Уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларидан моддий зарар кўраётган фермерлар ўз манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, қачонгача юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар? Бундай жўн муаммоларни жойида, вақтида ва қонуний ҳал этиб бориш ўрнига қачонгача прокуратура ва суд идоралари аралашилари керак? Бизнингча, бу саволлар ҳақида муаллақ қолиб кетмаслиги лозим. Республика Президенти Оқсарой қароргоҳида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожига кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади» деган фикрни илгари сурди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири фермер хўжаликларининг ривожига амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Dushanba 26

«Ўзбекистон» телеканал
Телеомошабнлар диққатига!
«Ўзбекистон» телеканал душанба, 26 май куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.05 «Камила». Телесериал.
16.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.40 «Қалб гавҳари».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбектеле-

фильм» намоиши: «Асрлар садоси». 18.40 «Таянч нуқтаси». 18.55 Репортаж. 19.00 Бир жуфт кўшиқ. 19.10 «Мулкдор». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Ўзбекистон» каналида илк марта: таба: «Киш сонатаси». Телесериал. 22.45 «Олтин бешик». 23.30 «Ахборот-дайжест». 23.50-23.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
9.55 Кўрсатувлар дастури. 10.00 Давр тонги. 11.00 «Давр»-news. 11.20 ТВ-анонс. 11.25 Саломатлик сирлари. 11.45 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси, Катта танафус, Мультфильм. 12.45 Болалар экрани: «Бембининг болалиги». 14.00 Жаҳон жўгрофияси. 14.50 «Сарчашма». Телефильм. 15.00 «Давр» ҳафта ичида. 15.30 Минг бир ривоят. 15.35 Менинг маҳаллам. 15.55 Спорт ҳафтано-

раси. 23.25 «Ахборот-дайжест». 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
9.55 Кўрсатувлар дастури. 10.00 Давр тонги. 11.00 «Давр»-news. 11.20 ТВ-анонс. 11.25 Саломатлик сирлари. 11.45 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси, Катта танафус, Мультфильм. 12.45 Болалар экрани: «Бембининг болалиги». 14.00 Жаҳон жўгрофияси. 14.50 «Сарчашма». Телефильм. 15.00 «Давр» ҳафта ичида. 15.30 Минг бир ривоят. 15.35 Менинг маҳаллам. 15.55 Спорт ҳафтано-

маси. 16.10 «Қадимги шўхликлар». Бадий фильм. 17.20 ТВ-анонс. 17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой экрани. 17.45 «Мультмоша». 18.00 Йигит омон бўлса. 18.15 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 9-қисм. 18.35 Тафаккур ёлқинлари. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўҳна оҳанглар. 19.55 Ёшлар овози. 20.15 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ. 20.35 Ватан ҳақида кўшиқ. 20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар овози. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол. Танафус пайтида. 24.00 Давр. 1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал. «Мухаббат риштаси». 17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Халқ саломатлиги йўлида». 19.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.45 «Avto-news». 20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақаддам». 22.35 Кинонигоҳ. «Рицар шамшири». 23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал. 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Томас Эдисон ва унинг чироғи». Мультфильм. 17.15 «Евроњьюс» янгиликлари. 17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув. 18.00 «Мени кутгил». 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 20.00 «Время». 20.35 «Кутб ёғдуси

остида». Бадий фильм. 5-қисм. 21.40 «Бизнес ревью». 21.45 СФИ тақдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари». 22.35 А. Зацепиннинг концерти. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55 гача профилактика ишлари. 16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Майрифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Табриклиймиз» кинооқшоми. 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кикбоксёр-5». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba 27

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Нурли манзиллар». 10.25 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм. 11.45 «Мулкдор». 12.05 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм. 12.20 «Кўпчилик қаторида». 12.40 ТВ клип. 12.50 «Киш сонатаси». Телесериал. 14.10 «Муносабат». 14.40 «Яхшилик». Телешоу.

15.30, 16.15 ТВ анонс. 15.35 «Шарқ тароналари». 15.55 «Гийёҳандлик - аср вабоси». 16.20 «Алибобо ва кирк қароқчи». Мультфильм. 16.50 ТВ клип. 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан». 18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.30 «Баркамол авлод орузи». 18.50 Мумтоз наволар. 19.05 «Эл тинчлиги йўлида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Истеъмолчи». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Ўзбекистон» каналида илк марта:

таба: «Киш сонатаси». Телесериал. 22.45 «Олтин бешик». 23.30 «Ахборот-дайжест». 23.50-23.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр»- репортаж. 9.25 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой экрани. 9.40 «Олтин миҳ». Мультфильм. 9.50 Уйна, болажон, уйна. 10.05 ТВ-анонс. 10.10 Кинотақдим. 10.30 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 10-қисм. 10.50 Ёшлар овози. 11.10 «Гвадалупе». Телесериал. 11.50 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ. 12.10 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 1-қисм. 12.40 Интерфутбол. 14.20 ТВ-анонс. 14.25 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 14.50 Кишлоқдаги тенгдошим. 15.10 «Оила сирлари». Бадий фильм. 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ҳар соҳага саёҳат. 17.25 Кўёшли юрт одамлари. 17.40 Таянч. 18.00 Рақслар гулдас-таси. 18.10 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 10-қисм. 18.30 Автопатрул. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр»- интервью. 19.50 ТВ-анонс. 19.55 Кўҳна оҳанглар. 20.10 Узимизники. 20.20 Марди майдон. 20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар овози. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 23.20 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис. 00.20 Давр. 0.40-0.45 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТТВда сериал. «Мухаббат риштаси». 17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Спорт ва болалар». 19.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 19.45 «Ҳимоя». 20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Туризм ҳақида». 22.45 Кинонигоҳ. «Анойи, Шпунс».

00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал. 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Спорт масканларида». 17.05 «Евроњьюс» янгиликлари. 17.25 «Сати». Анатолий Равикович. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 19.00 «Кулгу хонаси». 19.45 «Хроника». 19.55 «Севги рақси». Телефильм. 20.00 «Время». 20.40 «Кутб ёғдуси остида». Бадий фильм. 6-қисм. 21.45 «Бизнес ревью». 21.50 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.00 «Қалб девонадир». Бадий фильм. 1-қисм. 23.10 «Чотқол манзаралари». Телефильм. 23.25 «Ахборот» (рус

тилида) 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар». Сериал. 10.40 «Жанговар санъат олами». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Ута хавфлилар». Детектив. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Конундаги ўғрилари». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Юрск даври нахангалари». 23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba 28

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Фавворалар», «Ез нафаси». 9.20 «Баркамол авлод орузи». 9.40 Болалар учун. «Фламинго». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Бахтимизга омон бўлинг». 10.25 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадий фильм. 11.55, 14.45, 16.30 ТВ анонс. 12.05 «Кувноқлар ва зукколар». 12.50 «Киш сонатаси». Телесериал.

14.10 «Истеъмолчи». 14.30 «Рангин дунё». 14.50 «Динозаврлар билан сайр». Хужжатли телесериал. 15.50 ТВ клип. 16.00 «Ягона оилада». «Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Сўнги кўнгирак». 2. «Болалар ва катталар». 17.35 «Истеъдод». 18.10 «Тиббиет одимлари». 18.25 Репортаж. 18.30 «Умид». Телелотерея. 18.55 «Яхши ният»нинг ниятлари. 19.10 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Юзма-юз». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Журналист тахлили». 21.25 «Ўзбекистон» каналида илк марта:

таба: «Камила». Телесериал. 21.55 ТВ клип. 22.05 «Хоразм: кеча ва бугун». 1-қисм. 22.25 ТВ клип. 22.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»- «Насаф». 23.25 «Ахборот-дайжест». 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр»- интервью. 9.45 ТВ-анонс. 9.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ҳар соҳага саёҳат. 10.15 «Мультмоша». 10.30 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 10-қисм. 10.50 Саломат бўлинг. 11.10 Таянч. 11.30 «Гвадалупе». Телесериал. 12.10 Ёшлар овози.

12.30 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 2-қисм. 13.00 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис. 14.05 Кўёшли юрт одамлари. 14.20 «Ақдан оздирадиган ўйинлар». Сериал. 14.45 Узимизники. 14.55 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 15.20 Автопатрул. 15.40 «Учинчи сайёра». Майрифий дастури. 16.30 Гийёх сирлари. 16.45 ТВ-анонс. 16.50 Кўрсатувлар дастури. 16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, Шум болалар. 17.35 ТВ-анонс. 17.40 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 11-қисм. 18.00 Қўли гул уста. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр.

19.35 «Зинама-зина» телеўйини. 20.00 Спорт-лото. 20.10 Кўҳна оҳанглар. 20.20 Чемпион сирлари. 20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар овози. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 «Бойсун баҳори» 1-кўрсатув. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол. Танафус пайтида. 24.00 Давр. 1.00 - 1.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «ТТВда сериал: «Мухаббат риштаси». 17.55, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси». 18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт»

ахборот дастури. 18.50 «Мусикий меҳмонхона». 19.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 19.45 «Аёл қалби». 20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Мохир». 22.05 «Ҳамшаҳарлар». 22.50 Кинонигоҳ. «Капитан». 24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим.
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал. 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Хинд оҳанглари». 17.10 «Евроњьюс» янгиликлари. 17.25 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 19.00 «Заиф бўгин». 20.00 «Время». 20.40 «Иккинчи пландаги роль». Кинокомедия. 21.45 «Бизнес-ревью». 21.50 «Спорт техноло-

Payshanba 29

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Сўнги кўнгирак». 2. «Болалар ва катталар».

стадиони». Спорт дастури. 13.30 «Журналист тахлили». 13.50 ТВ клип. 14.10 «Динозаврлар билан сайр». Хужжатли телесериал. 15.10 «Хоразм: кеча ва бугун». 1-қисм. 15.30 «Ишонч». 15.50 «Камила». Телесериал. «Болалар сайёраси»: 16.20 1. «Туғилган кун». Теленоевела. 2. «Кизикарли учрашувлар». 17.20 «Аския». 17.40 «Харита».

Халқаро шарҳ. 18.10 «Аждодлар мероси». 18.50 «Таянч нуқтаси». 19.05 «Соғлом она - соғлом бола». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Оқшом эртақлари». 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Телемулоқот. 21.45 «Ўзбекистон» каналида илк марта: таба: «Камила». Телесериал. 22.15 «Хоразм: кеча

ва бугун». 2-қисм. 22.35 ТВ клип. 22.45 «Ахборот-дайжест». 23.05-23.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, Шум болалар. 10.10 ТВ-анонс. 10.15 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп

сериал 11-қисм. 10.35 Саломат бўлинг. 10.55 Спорт - китъаси (рус тилида) 11.25 Чемпион сирлари (рус тилида) 11.45 «Гвадалупе». Телесериал. 12.05 Ёшлар овози. 12.25 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 3-қисм. 12.55 Интерфутбол. 14.35 «Ҳақиқат чеғараси». Сериал. 15.00 ТВ-анонс. 15.05 «Мен сизни севардим». Бадий фильм. 16.30 Кўрсатувлар

дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси: Шохсупа, Мультфильм. 17.05 Оғоҳ. 17.20 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 12-қисм. 17.40 Ёшлар овози. 18.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 18.15 «Машхура» қизлари. 18.30 Табобат оламида. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр.

19.35 «Давр» - интервью. 19.50 ТВ-анонс. 19.55 Сийрат. 20.15 Кўхна оханлар. 20.20 Бегойим. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Гвадалупе» телесериал. 21.30 «Бойсун баҳори» 2-кўрсатув. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол Танаффус пайтида. 24.00 Давр. 1.00-1.05 Хайрли тун. «Тошкент» телеканал

18.15 «Навнихол». 18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Бурч ва масъулия». 19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 19.45 «Эл хизматида». 20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл». 21.30 «Умр йўлдоши». 22.25 Кинонигоҳ. «Муҳаббат барини кемиради». 23.50-23.55 Хайрли тун, шахрим.

«Халқаро» телеканал Биринчи канал. 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Жонли табиат». 17.05 «Евроњьюс» янгилликлари. 17.25 Александр Абдуловнинг монологи. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал. 19.00 CFI тақдим этади «Цирк». 20.00 «Время». 20.40 «Ишонч кредити». Кинокомедия. 21.45 «Бизнес ревью». 21.50 «Юқори технологиялар олами». 22.00 «Ҳисор кўриқхонаси». Телефильм. 22.20 «Соккер клуб». 22.40 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 22.50 «Қочоқ келин».

Бадий фильм. 00.35 «Ахборот» (рус тилида) 1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли реинжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Соф олтин» Ме-

лодрама. 13.30 «У котилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Снайпер». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клипсовга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Акс-садо». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

30

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Туғилган кун». Теленовелла. 2. «Кизикарли учрашувлар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлари. 10.05 «Трумен томошаси». Бадий фильм. 11.40 «Алла» ижрочиларнинг республика кўрик танлови. 12.05 «Олам». Телеальманах. 12.35 «Оталар сўзи - аклнинг кўзи». 13.50 ТВ клип. 14.10 Телемуллоқот. 14.50 Кундузги сеанс: «Икки соҳил». Бадий фильм.

16.00 «Хоразм: кеча ва бугун». 2-қисм. 16.20 «Камила». Телесериал. «Болалар сайёраси»: 16.50 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 17.50 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал. 18.10 «Узингни, ўз узингни ўзинг асра!» 18.30 «Иқтидор». Интеллектуал телеуини. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Оқшом эртаклари». 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Камила». Телесериал.

22.05 «Қизлар давраси». 23.30 «Ахборот-дайжест». 23.50-23.55 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр» - интервью. 9.30 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг танишайлик, Мультфильм. 17.25 «Япониянинг бокий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 12-қисм. 10.00 «Япониянинг бокий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 12-қисм. 10.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал. 10.35 Жаҳон жўроғи. 11.25 ТВ-анонс. 11.30 «Гвадалупе». Телесериал. 12.10 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм. 12.20 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 4-қисм. 12.50 Интерфутбол. 14.30 Ёшлар овози. 14.50 Кўхна оханлар.

15.00 «Ақлдан оздирадиган уйинлар». Сериал. 15.25 Бегойим. 15.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал. 16.10 Сийрат. 16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг танишайлик, Мультфильм. 17.25 «Япониянинг бокий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 13-қисм (яқунловчи) 17.45 Мурабий. 18.00 Рақслар гулдас-таси. 18.10 «Саломат бўлинг». Халқаро кашандаликка қарши кураш куни олдидан. 18.45 ТВ-Бинго анонси. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кишлоқдаги тенгдошим. 20.00 Аскар мактублари. 20.20 Азизим. 20.45 21.30, 22.35 Эълонлар.

20.50 «Гвадалупе». Телесериал. 21.35 «Еш куч» Кишлоқ стадионидан хабарлар. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар. 22.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал. 23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Ринг қироллари. 2.Футбол плюси. 0.35 Давр. 0.50-0.55 Хайрли тун. «Тошкент» телеканал 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат риштаси». 17.55, 19.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури. 19.50 «Ўзбегим навоси». 20.10 «Билим» телеклуби. 19.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл». 21.30 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот. 23.05 Кинонигоҳ. «Йўлдаги учовлон». 00.35-00.40 Хайрли тун, шахрим. «Халқаро» телеканал Биринчи канал. 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Мультсеанс». 17.10 «Евроњьюс» янгилликлари. 17.25 Хужжатли фильм. 18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.45 «Бизнес ревью». 20.50. Дурдаршан. 21.15 «Услуг». 21.30 «Хит парад». 21.50 «Тунги учрашув». 22.05 «Яшаш воситаси». 22.20 «Тунги навбатчилик». 22.30 «Лос-Анжелос ҳикояси». Бадий

фильм. 23.55 «Ахборот». (рус тилида) 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли реинжерлар» Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Улим икки бор кўнғирок қилади». Комедия. 13.30 «У котилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клипсовга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Телба Сесил Б». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

31

«Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.20 «Бу туфа олам». 11.10 «Муסיқа бўстони». Телеальманах. 11.30 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа. 12.10 Х. Хурсандов, Ф. Олимов. «Топталган туйғу». Муқимий номидаги. Ўзбек Давлат муסיқий театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.

13.25 «Чорраҳа». 13.45 «Топталган туйғу». Спектакл премьераси. 2-қисм. 14.45 «Нафосат гулшани». 15.10 «Барби ва Қарсилдоқ». Мультфильм премьераси. 16.30 «Ягона оилада». 17.00 «Бахтимизга омон бўлинг». 17.20 «Рангин дунё». 17.35 Бир жуфт кўшиқ. 17.45 «Бир кулишайлик». 18.05 «Кишлоқ ҳақида ўйлар». 18.25 Халқаро кашандаликка қарши кўраш кунига. «Сихат-саломатлик». 18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуини. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Оқшом эртаклари». 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Кўшигимиз

Сизга армуғон». 21.25 «Гап чикди». Телешоу. 22.15 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду»: 22.35 «Форест Гамп». Бадий фильм. 1-қисм. 23.45-23.50 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг танишайлик, Мультфильм. 9.50 ТВ-анонс. 9.55 «Япониянинг бокий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 13-қисм (яқунловчи) 10.15 Табобат оламида. 10.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби. 10.55 Болалар экрани: 11.15 «Еш куч». Кишлоқ стадионидан хабарлар. 11.30 «Гвадалупе». Телесериал. 12.10 Огоҳ.

12.25 Ринг қироллари. 13.15 Оила тилсими. 13.40 «Виждон амри». Бадий фильм. 15.10 Кишлоқдаги тенгдошим. 15.30 «Чархпалак». Телевизион бадий фильм 18-қисм. 16.15 Кўхна оханлар. 16.25 Кўрсатувлар дастури. 16.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 17.00 Халқаро болаларни химоя қилиш кунига. Бола тилидан. 17.30 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Койнот». Маърифий фильм 2-қисм. 18.20 Бизнес-академия. 18.35 Каталог. 18.45 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр»-репортаж. 19.45 ТВ-анонс. 19.50 Кўхна оханлар. 20.00 Кутилмаган меҳмон. 20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар. 20.25 «Чархпалак».

Телевизион бадий фильм 19-қисм. 21.15 Оҳанрабо. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар. 22.55 Мутуйба. 23.25 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ширин хотиралар». Бадий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон) 0.55-1.00 Хайрли тун. «Тошкент» телеканал 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртакларнинг сехри олами». 19.00, 20.30, 22.55 «Экспресс» телегазетаси. 19.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.00 «TV мадад». 20.10 «Афиша». 20.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 21.10 «Эхтиром ила» 21.25 «Нима учун?» 21.55 «Жаҳон географияси». 22.25 «TV плюси». 23.15 Кинонигоҳ. «Кема ҳалокати». 00.45-00.50 Хайрли тун, шахрим.

«Халқаро» телеканал. 9.10 Кўрсатувлар тартиби. 9.15 «Хамма уйдалигида». 10.00 Болалар соати: «Ақлли буюмлар». Бадий фильм. 12.15 «Мафтункор кабуларлар». Телефильм. 12.30 «Экран зийнати ва киймати». 12.55-14.15 Дўстлик видеокачалари: «В доброй хате», «Гардашъ дунёсында», «Бизнен мирас». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Бинафша». 17.25 «Билишни истаيمان». 17.45 «Жаҳон рақслари». 18.05 «Лаззат сехри». 18.35 «Ассалом Франция». 18.55 «Ким миллионер бўлишни истаиди?» Телеуини. 20.00 «Время». 20.40 Нима? Қаерда? Қачон?»

22.00 «Фаришталар шаҳри». Бадий фильм. 23.45 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Ойлавий кино. «Телба Сесил Б». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Ҳинд киноси. «Маньяк». 17.00 Телеуини. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Одам-мушуклар». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клипсовга». Телетабрикнома. 21.05 «Қасос ўти». Сериал. 22.00 «30-канал» да кинооқшом. «Беҳаловат гувоҳ». 23.30 Мусикий дастур.

Yakshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.35 «Ғаройибот». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Рақибингиз гроссмейстер». 11.30 «Интеллектуал ринг». Телеуини. 12.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бойвачча Рич». Бадий фильм премьераси. 13.40 «Гап чикди». Телешоу. 14.30 ТВ клип. 14.40 «Болалар сайёраси» да. «Бугун байрам» дастури:

18.00 «Дип-интервью». 18.20 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли». Телешоу. 18.40 «Қалб гавҳари». 19.00 «Куйла, ёшлигим». 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Кўрсатувдан - кўрсатувгача. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Дунёни болаларга берайлик». Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган бадий-муסיқий дастур. 21.55 «Яхшилиқ». Телешоу. «Якшанба кинозали»: 22.45 «Форест Гамп». Бадий фильм. 2-қисм. 23.55-24.00 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 Бахтли болалик кўшиқлари.

9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 9.45 «Мульттомоша». 10.15 ТВ-анонс. 10.20 Оҳанрабо. 11.00 «Заковат» интеллектуал уйини. 11.55 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон, 2.Аскар мактублари. 12.35 Бола тилидан. 13.05 Болалар экрани: «Тилсимой-ғаройиб қизалоқ». 14.15 Чемпион сиолари. 14.35 «Чархпалак». Телевизион бадий фильм 19-қисм. 15.20 Кўхна оханлар. 15.35 Азизим. 16.00 «Зинама-зина» телеуини. 16.25 ТВ-анонс. 16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари яқунлари. 16.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Болалар байрами, Мульт-

фильм. 17.50 ТВ-анонс. 17.55 «Томоша» ансамблининг байрам концерти. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намойиш этади. 20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар. 20.10 «Чархпалак». Телевизион бадий фильм 20-қисм (яқунловчи) 21.00 «Килни қирқ ёриб» Интеллектуал уйини. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» хафта ичиди. 22.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар. 22.50 «Ширин хотиралар». Бадий фильм 2-қисм. 0.20-0.25 Хайрли тун. «Тошкент» телеканал 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мульткарусель». 17.40, 19.30, 23.10 «Экспресс» телегазетаси. 18.00 «Халқаро

болаларни химоя қилиш куни»га. «Меҳржон». 1-қисм. 19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.30 «TV мадад». 20.40 «Мисли гавҳар». 20.55 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув. 21.10 «Меҳржон». 2-қисм. 22.40 «Жаҳон географияси». 23.30 Кинонигоҳ. «Галатепалик авлиё». 24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим. «Халқаро» телеканал 9.05 Кўрсатувлар тартиби. 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдарлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.05 «Кичик малика». Телефильм. 10.40 «Мультсеанс». 11.00 «Кувноқ инглиз тили». 11.10 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури. 12.35 «Дисней-клуб». 13.00 «Фан тайм». 13.10 «Парле ву

«KOM SAR» ОАЖ 2002 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2003 йил 29 майда Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Пахта қўрғонида «KOM SAR» ОАЖда соат 12.00да ўтказилади.

франсе?» 13.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 13.55 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 14.05-15.25 «Дўстлик» видеоканаллари: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Хикоя». 17.25 «Автострада». 17.40 «Жаҳон рақслари». 18.10 А. Шаинскийнинг юбилей концерти. 20.30 «Дунёга назар». 21.00 «Тенгдошлар». 21.25 «Кинопрофи». 21.45 «Тепалиқдаги уй». Бадий фильм. 23.05 Бокс. Супер жанг. Аселино Фрейтас - Хусан Карлос Рамирес. 23.35 «Тахлилнома» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда

бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. «Беҳаловат гувоҳ». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «24-25 қайтмаяти». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеуини. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Режалаштирилган котиллик». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клипсовга». Телетабрикнома. 21.05 «Қасос ўти». Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшоми. «1501 рейсининг сири». 23.40 Спорт шарҳи.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 25 июнь ва 2, 9, 16, 23, 30 июль кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Янгийўл шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган

— Янгийўл шаҳар, «Янгилик» даҳасидаги 4-лойиҳа кўчасида жойлашган сатҳи 500 кв.м бўлган ер майдони.

— Янгийўл шаҳар, «Янгилик» даҳасидаги 10-лойиҳа кўчасида жойлашган сатҳи 500 кв.м бўлган ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 48 136 сўм.

II. Оҳангарон шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган

— Оҳангарон шаҳар, Мустиқлик кўчасида жойлашган сатҳи 600 кв.м бўлган ер майдони.

— Оҳангарон шаҳар, Умид кўчасида жойлашган сатҳи 600 кв.м бўлган ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 60 900 сўм.

Er майдонлари учун ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

III. Тошкент вилояти Қибрай тумани Маркозий шифохонасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари кимошди савдосига қўйилади:

1. РАФ-22031-01 русумли, давлат рақами 58-06 ТШР бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 554 100 сўм.

2. РАФ-22031-01 русумли, давлат рақами 99-27 ТШР бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 554 100 сўм.

3. УАЗ-3303 русумли, давлат рақами 81-36 ТШР бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 423 700 сўм.

4. ВАЗ-2121 русумли, давлат рақами 09-85 ТШС бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 597 500 сўм.

IV. Тошкент вилояти ҳокимлиги Капитал ва яқка тартибдаги уй қурилиши бош бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 10 TV 224 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 530 000 сўм.

2. ГАЗ-2401 русумли, давлат рақами 12-37 ТНД бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 530 000 сўм.

V. Тошкент вилояти, Бўка тумани ветеринария бўлимига қарашли ИЖ-2715-011 русумли, давлат рақами 72-37 ТШН бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 384 600 сўм.

VI. Тошкент вилояти, Бўка тумани Молия бўлимига қарашли ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами 19-16 ТША бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 465 600 сўм.

VII. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Маркозий шифохонасига қарашли РАФ-22031 русумли, давлат рақами 11 АК 907 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 759 500 сўм.

VIII. Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Давлат солиқ инспекциясига қарашли «ТИКО» русумли, давлат рақами 10 АЕ 825 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 500 200 сўм.

IX. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, «Оҳангаронцемент» хиссадорлик жамиятига қарашли, Оҳангарон тумани санаят зонасида жойлашган, 200 ўринли автомобиль паркиннинг қурилиши тугалланмаган маъмурий биноси объекти.

Бошланғич баҳоси — 5 055 080 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдога қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Xususiyloshitirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар ососида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимлиги биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, Факс: 133-43-73.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!!!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

СИЗЛАРНИ КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2003 йил 30 май, 6, 13, 20, 27 июнь
ва 4 июль кунлари ким ошди
савдоларига қуйидагилар қўйилади:

Уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирилдиган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 41 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 1-12-ер участкаларининг ва сатҳи 0,02 гектар бўлган 13-ер участкасининг эгалик ҳуқуқи 0,04 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.

0,02 гектар ернинг бошланғич нархи — 824 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 145 мавзесида жойлашган сатҳи 0,04 гектар бўлган 332-ер участкасининг эгалик ҳуқуқи

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пайдеворлари эгаллаб турган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-1 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 49-уй, сатҳи 0,018 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,018 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,018 гектар бўлган ер майдони.

Спутник-2 мавзеси, 51-уй, сатҳи 0,03 гектар бўлган ер майдони.

0,03 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

0,018 гектар ернинг бошланғич нархи — 428 400 сўм.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган, 3та ер участкасининг эгалик ҳуқуқлари,

ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 008 000 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10 фоиз миқдорида гаров пули тўланади.

Савдолар 11.00да бошланади.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН
ЕРГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ СОТИБ ОЛИШ
МЎЛЖАЛИНГИЗ БЎЛСА, МАРҲАМАТ!
ИМКОНИАТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng so'nggi xabarlar

МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

БМТ Шимолий Тимордаги ўзининг тинчлик кучлари ваколат муддатини яна бир йилга узайтирди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинган янги резолюцияга кўра, тинчлик кучлари таркибларининг ваколат муддати 2004 йил майида тугайди. Унинг сафларида 3800 нафар ҳарбий бор. Маълумки, Шарқий Тимор мустақилликни қўлга киритгач, уч йил БМТ бошқарувида бўлди. Эслатиб ўтамиз, Португалия мустамлакачилиги барҳам топгач, Индонезия Шимолий Тиморни ўз тасарруфига олган эди, дейилди «Рейтер» ахборотида.

ЯГОНА РЎЙХАТ ЯХШИ

Испания бош вазири Хосе Мариа Аснар БМТда ер юзидаги барча террорчиларнинг ягона рўйхатини тузишни таклиф қилди. Зеро, илгариги БМТ, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа мамлакатларга тааллуқли бўлган алоҳида-алоҳида рўйхатлар исталган натижаларни бермаётди. Бош вазир ушбу тавсиядан кейин БМТ Хавфсизлик Кенгаши қошидаги халқаро террорчиликка қарши кураш қўмитасининг мажлисида сўзга чиқди. Бунинг боиси бор, чунки, жорий йилнинг 4 майдан бошлаб Испания мазкур қўмига раислик қилмоқда. Террорчилар қаерда бўлмасин, ўшанда уларга тўлиқ қирон келтирилади, деб хабар берди «Новости-РАА».

ХАЛҚ ОВОЗ БЕРДИ

Словакияда референдум бўлиб ўтди. Ушбу умумхалқ овоз бериш жараёни Словакиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши масаласига бағишланди. Овоз беришга келган 2 миллиондан зиёд фуқаро ўз мамлакатларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлишига розилик билдирдилар. Кузатувчиларнинг гапларига қараганда, 2004 йилнинг 1 майида Словакия Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши аниқ бўлиб қолди. Референдумнинг муваффақиятли ўтганлигидан мамнун бўлган бош вазир Микулаш Дзуринда овоз беришга 52 фоиз сайловчиларнинг келганлиги мамлакат сиёсий ҳаётида катта воқеадир, деди.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА

Халқаро ҳамжамият — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий вазифалари орасида дунёда барқарор тинчликни сақлаб туриш масъулияти асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда БМТ янги молиявий йилда тинчлик ўрнатиш операциялари учун 2,3 миллиард доллар сарфлаш нияти борлигини билдирди. 11 та тинчлик ўрнатиш жараёнларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларда 10 мингдан зиёд одам иштирок этадилар.

БМТ тасарруфида

БМТ ер кўрасининг турли минтақаларида атроф-муҳит мусофоллигини сақлаш бўйича қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Ана шулардан бири атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастур (ЮНЕП)дир. Ҳафта бошида деб хабар берди ЎЗА муҳбири, мазкур дастурнинг яхши ният элчиси Токико Като хоним бир неча кун юртимизда бўлиб, республикамизда экологик муаммоларни ҳал этиш юзасидан адо этилаётган тадбирлар билан танишди. Шуниси алоҳида эътиборга сазоворки, ЮНЕП денгиз ва уммонлар муҳофазаси билан ҳам мунтазам шуғулланиб келмоқда. Шу боис, Т. Като Орол денгизини сақлаб қолиш лойиҳасини ўрганиш мақсадида Орол бўйи минтақасида бўлиб, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Атроф-муҳит масалаларига бағишланган анжуманда Т. Катога табиатни асраш ишига қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро «Экосан» жамғармасининг дипломи топширилди.



Испания.

Шарҳловчи минбари

БУЮК БРИТАНИЯ ЕВРОЗОНАГА ШОШИЛМАЯПТИ

Ўтган йилнинг январь ойида Европа Иттифоқида қирувчи ўн икки давлатда ягона пул бирлиги жорий қилинган эди. Гарчи, орадан анчагина вақт ўтган бўлса-да, минтақадаги айрим мамлакатлар, хусусан, Буюк Британия еврозонага киришга иштиёқ кўрсатмаяпти.

Буюк Британия молия вазири Гордон Браун мамлакат ҳали еврозонага киришга тайёр эмаслигини айтди. Бош вазир Тони Блэр евро муомаласи тарафдори бўлса-да, ҳозирча молия вазирининг гапини маъқуллаб турибди. Айрим кузатувчилар молия вазирини евро муомаласини йўлга қўйиш борасида жуда сусткашликда айбламоқда. Бироқ бош вазир бунинг учун мамлакат иқтисодиёти жуда кучли бўлиши керак, деган сўзларни баҳона қилаётди.

Аслида ягона молиявий бирлик муаммоси Буюк Британия учун янгилик эмас. Мазкур масала бир йилдирки, мамлакатдаги икки етакчи партия ўртасида баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Лейбористлар евро

жорий этиш таклифини илгари сураётган бўлса, консерваторлар «фунти сақлаймиз» сўзларини шиор қилиб олган.

Яқинда консерваторлар етакчиси Иэн Данкан Смит парламентга мурожаат қилиб, бош вазир нафақат ягона пул бирлиги, балки Европанинг ягона конституциясини қабул қилиш масаласини ҳам халқ эътиборига ҳавола этиши лозимлигини айтди.

Хуллас, Европада ягона молиявий бирлик масаласи мамлакатда қизғин баҳсларнинг бош мавзусига айланган. Айрим сиёсатчилар Буюк Британия бундан фақат ютиши мумкинлигини таъкидлаётди. Лекин бунинг учун аввал халқ хоҳишини билиш керак бўлади.

ЖАЗОИРДАГИ ДАҲШАТЛИ ТУН

Жазоирда Рихтер ўлчови бўйича 6,7 балли зилзила юз берди. Натижада кўп рақамли бинолари вайрон бўлди. Кузатувчилар содир бўлган зилзилани миллий фалокат сифатида баҳоламоқда.

Ахборот воситалари тарқатётган хабарларга қараганда, зилзилдан ҳалок бўлганлар сони беш юздан ошиб кетган. Беш мингга яқин одам оғир жароҳатланган. Пойтахт яқинида жойлашган Бумирдес шаҳри табиий

офат маркази бўлиб турибди. Минглаб жазоирликлар бошпанасидан жудо бўлди. Шу боис шаҳардаги барча истироҳат боғлари ва майдонлар одамлар билан тўлиб кетган.

Мамлакат президенти Абдулазиз Бутефлика шаҳарга келиб, жабрланганлар билан учрашди. Аҳоли кучли силкинишдан қаттиқ саросимага тушиб қолган. Шунинг учун ички ишлар вазири Нуруддин Язд Зархуний одамларга мурожаат қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам тартиб сақлашни уқтирмоқда.

Жаҳондаги ҳеч бир давлат табиий офатлардан жазоирчаларни жабр тортмаган бўлса керак. Бу ерда кўпгина шаҳарлар сейсмик фаол минтақада жойлашган. Шунинг учун мамлакат тарихида зилзилалар кўп содир бўлган. Масалан, 1715 йилдаги зилзила оқибатида йигирма мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмган эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ИРОДАНГА ОФАРИН!

Колорадонинг тоғ курортидаги Аспен деган жойида Эрон Релстон альпинистлар ва тоғ чанғичиларига мўлжалланган дўконда ишлар эди. Дафъатан уч кунгача ундан дом-дарак бўлмади. Шериклари ваҳима кўтаришди. Полиция вертолётининг бошқарувчиси Терри Марсер ва сержант Мич Митерилар ҳам излашга тушдилар. Чунки, улар Э. Релстоннинг Ютадаги миллий боққа ўз машинасида кетганлигидан, у ерда Алясканинг Маккинли чўққисига кўтарилиш учун машқлар ўтказмоқчи бўлганлигидан бохабар эдилар. Икки соатлик қидирувдан сўнг, улар пастда қўл силтаётган икки одамни пайқаб қолдилар. Улар Голландия сайёҳлари экан. Вертолётда 27 яшар Э. Релстон шундай деди: «Қояга кўтарилаётганимда тахминан 300 килолик тош ўнг қўлимни босиб қолди. Кўп ҳаракат қилдим, қўлимни ололмадим. Орадан беш кун ўтди, овқат, сув йўқ, тунги совуқни айтинг... Шунда эв пичогимни олиб, қўлимни билақдан шартта кесиб ташладим. Қонни амаллаб тўхтатиб, машинага эмаклар келдим».



Полициячилар аввал ишонмадилар, лекин кейин кесилган қўлни тоғдилар ва шоввоз альпинистни «Ироданга офарин!» деб ши-
фоҳонага жўнатдилар.

ЁНФИННИНГ СОХТАСИ ЧАТОҚ

Бу воқеа Литванининг Вильнюс шаҳрида рўй берди. Йўловчи одамлар бирдан ханг-манг бўлиб қолдилар. Чунки рўпарадаги ҳашаматли уй қаттиқ ёнмоқда эди. Атрофда қонга беланган одамлар, полициячилар, ўт ўчириш, «тез ёрдам» машиналари... Боз устига ёнғин авжига чиқаётган жой темир тўсиқлар билан ўраб қўйилган эди. Кейинроқ одамлар энгил нафас олдилар. Маълум бўлишича, АҚШнинг «Paramount» компанияси ходимлари зилзила ҳақида бадий фильм олаётган эканлар.

ТОБУТДА — ТЎЙГА

Янги Зеландиялик отахон Рейчел исмли севиқли набирасининг тўйига икки кун қолганда оламдан ўтди. Аммо, оила аъзолари бобо тўйда қатнашиши шарт, деган қарорга келдилар. Шундай қилиб, никоҳ ўқилаётган пайтда қариянинг кавлаб олинган очиқ тобути черковга олиб келинди. Тўйдан кейин эса отахонни қайта дафн қилдилар. «Ананова» ахборотномасининг хабарига қараганда чолнинг Рейчелдан ташқари ўн икки нафар фарзанди ва тўрт нафар набирасидан яна 53 нафар қиз ва ўғил набира, тўрт нафар чевараси бор экан.

ЎРГИМЧАК РОБОТ

Япониянинг Чива шаҳри талабалари миналарни қидириб топадиган ўргимчаксимон робот яратдилар. Унинг олтита оёғи ва иккита пайпаслагичи бор. Пайпаслагичларнинг бири мина излагич ва радар билан жиҳозланган, иккинчиси эса, миналар яшириб қўйилган жойларни тўппончанамо асбобда рангли суюқлик билан белгилаб кетади.

Ноёб асар АҚШда

Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида "Қадимий шаҳарлар санъати" кўргазмаси ташкил этилди. Унда жаҳоннинг кўлаб машҳур музейлари экспонатлари намойиш этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг йирик музейларидан ҳисобланмиш Метрополитен бундай халқаро мижоздаги тadbирларни илгари ўтказмаган. Мазкур кўргазмага Франция, Германия, Греция, Япония, Россия, Швейцария, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Покистон, АҚШ, Ўзбекистон сингари дунёнинг 17 мамлакатидан келтирилган музей экспонатлари қўйилган.

Кўргазмага қўйилган аксарият экспонатлар миллий музейларнинг шахсий мулки бўлиб, илгари чет давлатларга олиб чиқилмаган.

Ташкилотчилар илтимосига биноан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи ноёб экспонат билан қатнашмоқда. Бу таналари ўралиб, бир-бирига қараб турган икки чўтир илонни акс эттирувчи тумордир.

Ушбу қадимий топилма эрампдан аввал икки минггинчи йилда ясалган бўлиб, ўша даврда Сирдарё сув ҳавзаси атрофида мавжуд бўлган цивилизациянинг юқори савиясидан ҳамда Ўрта Осиё ва Ўртаер денгизи ораллигидаги қарвон йўллари ўзаро маданий алмушугва фаол кўмак берганидан далолат беради.

Мазкур тумор археологлар томонидан 1895 йилда Фарғона водийсининг Сох қишлоғи яқинида топилган.

Баҳодир МАМАЖОНОВ,
"Жаҳон" АА, Нью-Йорк.

Санъат

НАФОСАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ

Инсон маънавияти доимо санъат намуналари таъсирида камол топади. Зеро, у инсон ҳаётини янада гузаллаштиришга хизмат қилади, унга эстетик завқ, рухий озукка беради.

— Санъатнинг, шу жумладан, тасвирий санъатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ҳаётни акс эттиради, дунёни билишда инсонга ёрдам беради, уни гоёвий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди, — дейди Зангиота туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази «Тасвирий санъат» тўғараги ўқитувчиси Мирҳомид Фуломов. — Ҳозир тўғарагимиз машғулотларига атраф маҳалла ва мактаблардан кўплаб ўқувчи-ёшлар қат-

нашмоқдалар. Улар тасвирий санъат турларига оид билимларини мустаҳкамлаб, ранг-тасвир соҳасида ўз маҳоратларини ошираётирлар.

Тўғарақнинг машғулотларида дастлабки кўникмаларни эгаллаб, ўз истеъдодларини намоён этган ёш ижодкорларнинг айримлари ўзлари танлаган соҳалари бўйича мутахассисликка эга бўлиш учун театр ва рассомчилик институтида тахсил олмақдалар. Ҳозир ҳам иқтидорли ўқувчилардан Ўткир Мусулмонов, Шухрат Азимов, Ҳусниддин Эргашев мунтазам қатнашиб, нафис санъатнинг сир-асрорларидан бохабар бўлиб боришаяпти.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ.

KABUTARGA AYLANAR

*Ko'chamizni ko'tarib boshga,
Qush uchirar bolalar shodon.
Orzulari aylanib qushga,
Qush bozori bo'libdi osmon.*

*Tinim bilmay, bilmayin orom,
Kulgilari ko'kni titratib
Qiyqirishar bolalar hurrum,
Shodliklarin samoga otib.*

*Moviylikning bag'rida qushlar —
Temirqanot orzular uchar —
Kechalarni tilgandek uchqun...*

*Nazarimda, bu qog'ozqushlar —
Shamollarni mingan orzular —
Kabutarga aylanar bir kun.
Abdulhay NOSIROV.*



Ярим кечаси уйқусираб, уй-фонган қизча онасидан сўраяпти: — Ойижон, бирор эртак айтиб беринг. — Бироз сабр қил, қизалоғим, ҳозир даданг келади ва иккимизга янги эртак айтиб беради.

Бир қиз идорага котиба бўлиб ишга жойлашаркан, деди: — Бир дақиқада икки юзта харфни бемалол уриб ташлайман. — Хамкасблар ҳайратдан танг қотишган ҳам эдики, котиба уларни ўзига келтирди: — Фақат шунақаям тушунар-сиз нарсалар ёзиладики...

Халқимизда «Кўшиқ айтган етар муродга» деган нақл бор. Ватан ҳақида ёниб қуйлаш, юртдошларимизнинг фаровон турмуш тарзини чиройли ташбеҳлар, дилрабо оҳанглар ва ифодаларда ихлосмандларга етказиш осон иш эмас, албатта.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 августдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг аънанавий тарзда «Ўзбекистон кўшиқ байрами»ни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 1997 йил 12 февралдаги қарорлари борлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Хўш, Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий саралаш босқичи вилоят ҳокимининг шу йил 15 апрелдаги «Вилоятда «Ўзбекистон кўшиқ байрами»ни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши талабларига жавоб бера оладими?

Тўғри, ўтган етти йил мобайнида бу борада қатор яхши ва ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилди. Кўшиқ байрамлари вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларида ўтказилиши аънанага айланди. Вилоятимизда яшаб, ижод қилувчи кўпгина истеъдодли йигит-қизларимиз бу байрамни орзиқиб кутадиغان бўлиб қолдилар. Шу кўрик-танловда илк бор саҳнага чиқиб, эл олқишига сазовор бўлган оҳангаронлик Тошпўлат Маткаримов, олмалиқлик Дилноза Исмиёминова, бўкалик Орифжон Омонов, қибрайлик Нодирбек Зоитов ва бошқа ёш ижрочилар мазкур танловнинг республика босқичида иштирок этиб, совринли ўринлар соҳиби бўлганликларини эслайлик.

Олмалиқ шаҳрида ўтказиладиган «Ўзбекистон кўшиқ байрами»нинг ҳудудий саралаш босқичи ҳам одатдагидек байрамона руҳда, кўнгилни тўлқинлантириб юборадиган кайфиятда ўтади, деган фикрда эдик. Афсуски, ундай бўлмади.

Аввало шаҳарда бир-бирдан салобатли, бир-бирдан мухташам маданият саройлари фаолият кўрсатиб турган бир пайтда тadbир учун шаҳарнинг энг чека ҳудудида жойлашган кўрмисиз «Строитель» (номига эътибор беринг!) маданият уйи танлангани бизни ажаблантирди. Майли, жой танлаш масаласини шаҳар ҳокимлиги, маданият ишлари ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлимлари мутасаддиларининг виждонига ҳавола қилайлик-да, кўшиқ байрамини ташкил қилиш ва ўтказиш савияси ҳақида сўз юритайлик.

Юқорида эслатиб ўтилган фармойиш ва (Давоми. Боши 1-бетда).

қарорларда «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танлови саралаш босқичларини ва кўшиқ байрамини юқори савияда ташкил қилиш, байрамни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек, ҳудудий, вилоят ва республика танлов қатнашчиларининг фонограммалари, саҳна либосларини тайёрлаш учун сарфланадиган маблағларни маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан қоплаш вазифаси юқлатилган.

Муҳими байрамни ўтказиш харажатларими? Йўқ. Эндигина саҳнага қадам қўйган, ўзининг илк кўшигини томошабин эътиборига ҳавола қилишга орзуманд ҳаваскор меҳнатини қадрлаш, истеъдодини рағбатлантириш, ёшлар иқтидорини юзага чиқариш байрам ташкилотчиларининг асосий вазифаси бўлиши керак эмасми?!

Кўшиқ байрами ўз-ўзидан ўтаверадидек, деб ўйланганми, ҳарқалай, кўрик-танлов иштирокчиларини олқишловчи шior ҳам, ҳатто, «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танловига руҳ бағишлайдиган рамзлар ҳам қўйилмаган. Томошабинларни байрам тadbирига жалб этиш масаласи ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Бу байрам тadbiri эмас, шунчаки бир «йиғилиш», деган фикрга келишмаганмикан иштирокчилар?

Тўғри, Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий саралаш танловида таниқли бастакор Нодим Норхўжаев бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати юқоридаги камчиликларга қарамай, саралаш босқичига тавсия этилган кўшиқларни ҳолисона баҳолади. Муҳими ҳар бир иштирокчининг чиқишларини диққат билан кузатиб, «Ўзбекистон кўшиқ байрами»нинг ҳудудий босқичининг байрамона ва ишчанлик руҳида ўтишига бир қадар интилангандек бўлинди.

Кўшиқлар майли мукофотли, майли мукофотсиз бўлсин, қошонага умид билан кириб келаётган ёш хонанда ва созандалар учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, энг муҳими бу тadbир уларнинг қалбида муҳрланиб қолиши, истеъдод эгаларига катта саҳнага йўл очиб бериши лозим. Ўйлаймизки, ушбу тadbирга мутасадди бўлган бошқарма, бўлим, шаҳар ва туман ҳокимликлари бизнинг ҳолис фикримиздан тегишли ҳулоса чиқариб оладилар. Зеро, олдинда кўшиқ байрамининг вилоят босқичи турибди. Қолаверса, «Ўзбекистон кўшиқ байрами»нинг асосий мақсади ҳам, талаблари ҳам ана шунда.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

КЕКСА ПАРАШЮТЧИЛАР



Хильдегорде Феррара — аёллар ўртасида энг кекса парашютчи ҳисобланади. У 99 ёшида Мокуме (Гавайи, АҚШ)да жуфтли парашютда сакраган.

Ўзининг 95 ёшу 170 кунлигида 1994 йилнинг 2 июлида англиялик Эдвард Ройж-Жоунс энг кекса парашютчи сифатида тан олиниб, жуфтлик парашютда сакраган.

Ўзининг 80 ёшу 166 кунлигида 1986 йил 23 август куни англиялик Силвия Бретт яқка ҳолатда парашютдан сакраган.

1991 йил 11 февралда 85 ёшли шаҳзода Константин Лихтейнштейн князлигида бўлиб ўтган пойгада ўзининг «Креста» маркали автомобилида голиб чиққан.

1996 йил 26 сентябрда Янги Зеландиялик Флоренц Лейн ҳаво шарида Каста шаҳри устидан учиб ўтган. Уша пайтда у 102 ёшда эди.

Тўловчи Жаҳонгир ДОЛИЕВ.

Биласизми?

Йўл ҳаракати қоидалари биринчи бўлиб қаерда жорий этилган деган савол барчамизنى қизиқтириши бежиз эмас.

Бугунги кунда биз риоя қилаётган ҳаракат ҳавфсизлиги қоидалари илк бор — Франция пойтахти Парижда жорий этилган. Яъни, 1899 йили шаҳар ҳокимининг махсус фармони билан дастлабки йўл-транспорт ҳаракати қоидалари ишлаб чиқилган экан.

да, унинг бир мулозимини сўрабди:

— Жаноб, сиз нима учун учала бодрингни бир ўзингиз едингиз, бундай одатингиз йўқ эди-ку?

Одил вазир мулоимлик билан жавоб берибди:

— Бодринглар тахир экан, бошқаларга берсам, тахирлигига чидай олмамай, боғбонга ёмон сўз айтиб юборардилар, унинг дили эса озор чекарди.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

НОДОН СУХБАТИ

Қадимда бир шаҳар ҳукмдори машҳур бир олимга қозилик мансабини бермоқчи бўлди. Олим унинг таклифини қабул қилмади. Жаҳли чиққан ҳукмдор унга тан жазосидан ҳам оғирроқ жазо беришга аҳд қилди. Дарҳол қамашга буйруқ берди. Яна бир жоҳил но-

Ибратли ҳикоятлар

дон кишини ҳам қамаб, олимнинг ёнига қўйдирди. Бир-икки кун ўтар-ўтмас, олим дод-фиғон чека бошлади. Ҳукмдорга:

— Таклифингизни қабул қиламан, фақат мени шу нодон одам билан суҳбатдош бўлишдан қутқазинг, — деб хабар қилди. Ҳукмдор кулиб, олимни озод қилди ва қозилик мансабига тайинлади.

ДЕҲҚОННИНГ ҲАДЯСИ

Низомулмулк исмли вазир олижаноб ва одил экан. Биров ҳада келтирса, барчага баробар бўлиб беради экан. Бир куни бир боғбон унга учта эртанги бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб қўйибди-да, боғбонга инъом берибди. Вазир боғига дам олгани чиққан-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКОЯ ПРАВДА	Муассис ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ	Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.	Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақам билан рўжҳатта олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тарқатилади ва саҳифаланди.	● Эълон ва билдирув- лардаги факт ҳамда далил- ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув- чилар масъулдир.
---	--	--	---	--	---	--